БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ 2-бет
САВОБ ИШГА ҚЎЛ УРГАНЛАР 3-бет
ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР 4-5 бетлар
МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ 8-бет



СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 85 (10.138) | 2004 ЙИЛ 4 МАЙ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ўн саккиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва А.Азизхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 май



*«Тошкент чинни заводи» очиқ акциядорлик жамиятида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар ўз харидорига эгадир. Жорий йилда бу ерда қирқ икки турдаги 210 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.*

## ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТ

Корхона самарали иш олиб бориши учун мавжуд эскириб қолган технологик линиялар янгисига алмаштирилди. Шунингдек замонавий асбоб-ускуналар, қимматбаҳо бўёқлар, хом ашё ва зарур материалларни сотиб олишда АҚШнинг «Stenford Capital Lnk» компанияси томонидан уч юз миллион сўмлик сармоя киритилди.

Олти юз элликдан зиёд ходим меҳнат қиладиган мазкур жамият келгусида ҳар йили салкам саккиз юз миллион сўмлик жами эллик турдаги харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпти.

**СУРАТДА: 9-гул цехи ишчиси Мавжуда Магдиева.**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Темурийлар тарихи Давлат музейида «Амир Темур — Клавихо» Ўзбекистон-Испания дўстлик уюшмаси ҳамда Франциянинг «Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш» уюшмаси раҳбарлари ва аъзолари, хорижлик меҳмонлар иштирокида Амир Темур давлати билан Кастилия ва Леон қироллиги ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилганига 600 йил тўлишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**● «Бизнес-банк» аҳоли учун янги хизмат турини жорий қилди — эндиликда шаҳримизнинг турли бурчакларида жойлашган бешта чакана хизмат кўрсатиш марказларида коммунал тўловларини тўлаш мумкин.**

**● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида инглиз тилида яратилган икки жилдли «Шарқ миниатюралари» каталогининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Бухоро шаҳридаги «Пахтаой» болалар истироҳат боғи ўрнида янги дам олиш масканининг қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Янги боғ учун етти гектарлик майдони ажратилди ва ундан «Тезюрар поезд» аттракциони, автодром, томоша ҳалқаси, «Марс» арғимчоғи, болалар ижодиёти маркази, Интернет кафе ўрин олади.**

**● Элликқалъа тумани марказидаги академик лицейда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.**

**● Қарши санъат коллежида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

### Жаҳонда

**● Сербия парламенти Косово муаммосини бартараф этиш бўйича мамлакат ҳукумати томонидан тайёрланган режани бир овоздан маъқуллади. Унда ўлкани мухториятларга бўлиш кўзда тутилган.**

**● Бугун Халқаро валюта фонди янги раҳбарининг номи маълум бўлади.**

**● Британиянинг М 15 контрразведка хизмати ўз сайтини очди. Эндиликда аҳоли ушбу сайтга терроризмда шубҳа қилинувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни юбориши мумкин.**

**● Вьетнамнинг ғарбий қисмида кема ҳалокатга учраб сувга ғарқ бўлиши натижасида 19 киши ҳаётдан кўз юмди, 70 нафар йўловчи бедарак йўқолди.**

**● АҚШда суд томонидан таниқли қўшиқчи Майкл Жексонга нисбатан айблов эълон қилинди. Машҳур эстрада юлдузи ҳозирча барча айбловларни рад этмоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Адлия вазирлигида «Ўзбекистонда банк ва кредитлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш. Амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий асослари» номли анжуман ўтказилди.

● **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бўлиб ўтган Интернет анжуман «Ўзбекистонда маданиятшунослик муаммолари» деб номланди.

● **«DEDEMAN SILK ROAD»** меҳмонхонасида уч босқичдан иборат «Гран при Тошкент» шаҳар кубоги учун ўтказиладиган ҳалқа бўйлаб автомобиллар пойгаси чемпионатига бағишлаб ташкилий қўмита йиғилиши ва матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Адлия бошқармаси ва туман ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари билан қайта таъмирланган ФҲДЁ бўлими биноси фойдаланишга топширилди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро хайрия жамғармасининг кенгайтирилган йиғилишида «Экология ва саломатлик кунларида» дастурининг иккинчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** радиотехника ва автоматика коллежида уюштирилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида Чилонзор, Сергели, Акмал Икромов туманларидаги мактаблар ўқувчилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилишида ташкилот тизимида Қуролли Кучларимиз учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш ҳамда ўсмирлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.***

Ташкилот марказий кенгаши раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарган йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тизимда бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига жавоб берадиган ҳарбий-техник мутахассислар тайёрланмоқда. Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида камолга етказиш, улар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ишлари тобора яхшиланаяпти. Бу борада алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритилаётгани ижобий самара бераётир.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

***«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси 2004 йилнинг биринчи чораги бўйича Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг навбатдаги рэнкингини тақдим этди.***

## БАНКЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Рэнкинг - бир-неча банк (корхона)ни баъзи молиявий кўрсаткичларнинг жисмоний ҳажмига қараб табақалашдир.

Бу давр ичида рэнкингда иштирок этувчи банклар томонидан аҳолидан олинган омонатларнинг умумий ҳажми 6 фоизга ўсди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг 20 та етакчи банки рэнкинги таркибида аҳолидан қабул қилинган омонатлар суммаси бўйича деярли ўзгаришлар рўй бермади. Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича етакчи банклар рўйхатига биринчи марта «Алп Жамол Банк» киритилди. «Ипак Йўли банк», «Алоқа банк», «Авиабанк» ва «Капитал банк» рэнкингда ўз мавқеларини яхшилади.

Шу давр ичида берилган кредитлар суммаси бўйича рэнкинг таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. «Ўзтадбиркорбанк», «Бизнес-банк», «Алп Жамол Банк» ўз мавқеини яхшилаб, ўтган даврга нисбатан кредит операцияларини фаолроқ олиб борди. Таъкидлаш жоизки, мазкур рэнкинг банклар гуруҳи ва умуман мамлакат банк тизимида банкнинг тутган мавқеини аниқлаш имконини беради.

**ЎзА**

*Тадбирлар*

## КОРХОНАДА ШОДИЁНА

**Баракали меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади. Айниқса, у жамоадошларинг, дилга яқин инсонлар даврасида бўлса, завқи ҳам бўлакча бўлиши турган гап.**

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан харидорларни мамнун этаётган «Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида ҳам баҳор айёмига бағишланган ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Байрамона безатилган дастурхон атрофига нафақат корхонада меҳнат қилаётган 40 нафар ишчи-хизматчи, уларнинг оила аъзолари ҳам тўпланишди.

Корхонада фаолият кўрсатаётган аёллар нафақат ишда, балки дастурхон тузашда, Наврўз таоми — сумалак тайёрлашда ҳам уста эканликларини намойиш этишди. Қозонда бижирлаб қайнаётган сумалакни навбатма-навбат ковлаганлар эса фақат яхши ниятларни тиладилар. Санъаткорларнинг дилтортар қўшиқлари эса барчани даврага чорлади. Ҳамма бир-бирига эзгу-тилаклар билдирди, қалбларда завқ-шавқ ҳукмрон бўлди.

— Ушбу тадбиримиз Наврўзи олам ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилди, — дейди корхона директори Абдураҳим Мираҳмад. — Миллий таомларимиздан бўлган сумалакни эса жамоамиз аҳли ҳар йили ўзлари тайёрлаши анъанага айланиб қолган. Албатта, бундай тадбирлар ишчи-хизматчиларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари билан бирга, орамиздаги меҳр-оқибатни, бир-биримизни қадрлашга эътиборни кучайтиради. Буларнинг барчаси эса ишимизга барака киритиб, кўзлаган мақсадимизга эришишда куч-қувват бағишлайди.

Тадбир сўнгида тайёр бўлган сумалак дастурхонга тортилиб, унинг хушбўйи барчани мамнун этди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

*Таълим*

# ҚАЙТА ТУҒИЛГАН МАСКАН

***Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол шахс сифатида вояга етказишга қаратилгандир.***



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Чилонзор туманидаги 162-ўрта мактаб маҳалла фаоллари ва ҳомийлар ташаббуси билан 2004 йилнинг февраль-апрель ойларида бутунлай қайта таъмирланди.

Куни кеча қайта таъмирланган ушбу мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзгача қиёфага эга бўлган шинам ва кўркам ўқув масканини ҳовлисига эрта тонгдан ўқитувчию ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мактабнинг собиқ ўқитувчилари қалблари қувончу ҳаяжонга тўлиб йиғилдилар. Мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов ва бошқалар иштирок этдилар. Маросимда сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов аввало туман ҳокимлиги номидан Меҳр ва мурувват йилида мана шундай савобли ва хайрли ишга қўл урган саховатпеша ҳомийлар, жонкуяр маҳалла фаолларига ўз миннатдорчилигини билдирди ва бошқаларни ҳам мана шундай хайрли ишлардан ибрат олишга, жойлардаги тадбиркорлар, серҳиммат кишиларимиз эътиборини таълим масканларига, хусусан келажагимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимли, комил инсон бўлиб етишишларида ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этди. Шунингдек барча қулайликларга эга замонавий жиҳозланган мактаб биносини қабул қилиб олаётган мактаб маъмуриятига, 70 га яқин заҳматкаш устозларга, бугунги кунда 1400 ўқувчига сабоқ бериб, уларни миллий истиқлол ғояларига содиқ руҳда камолга етказишларида муваффақиятлар тилади. Тадбирда маҳалла оқсоқоли, ҳомийлар ҳам сўзга чиқиб, таълим тизимидаги ислоҳотлар, ўқитувчи ва ўқувчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнунликларини билдирдилар.



Шундан сўнг ўқувчиларнинг гулдурос қарсаклари остида рамзий лента қирқилиб, меҳмонлар мактабнинг ўқув хоналарини айландилар. Ҳақиқатан қайта таъмирдан чиққан мактабда 31 та синф хонаси, ўғил ва қиз болалар учун алоҳида меҳнат хоналари, иккита компьютерлашган синф, лаборатория машғулотлари ўтказиш учун физика ва химия ўқув хоналари, маросимлар ўтказиш зали, 7 мингдан зиёд дарслик ва бадиий адабиётларга эга шинам кутубхона, барча қулайликлар мавжуд бўлган ошхона ва бошқа шу каби хоналар барпо этилган. Бундан ташқари ўқув маскани таъмирдан кейин алоҳида кийиниш, ювиниш хоналари мавжуд бўлган катта ва кичик спорт заллари, очиқ спорт майдончаларига эга бўлди. Мактаб ҳудуди кўкаламзорлаштирилди.

— Бугун мактабимиз жамоасининг қувончи чексиз. Бизга шундай муқаддас кошонани туҳфа этган саховатпеша инсонларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз, — деди ҳаяжон билан 162-мактаб директори Нигора Юнусмуҳамедова. — Ушбу мактаб 1961 йилда қурилган бўлиб, ўзининг салоҳиятли ўқитувчилари, ўқувчиларга чуқур билим берилиши, тартиб-интизомнинг юқори даражада эканлиги билан туман мактаблари орасида ажралиб турган. Бугун мана шундай шинам ва кўркам, замонавий мактабни қабул қилиб олар эканмиз, ишонтириб айтаманки, бу даргоҳда таълим олаётган ўқувчиларнинг келгусида чуқур билим эгаллаб мустақил Ўзбекистонимизга муносиб комил инсон бўлиб етишишлари учун бор билим ва тажрибамизни аямаймиз.

Дарҳақиқат, келгусида мактаб жамоаси таълим сифатини янада ошириш мақсадида она тили ва адабиёт, физика, математика, хорижий тилларни чуқур ўқитишга эътиборни қаратишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бунинг учун таълим масканида салоҳиятли педагог кадрлар етарли, албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Чилонзор туманидаги 162-ўрта мактабнинг тўла таъмирдан кейин очилиш маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Ёшлар — келажагимиз*

# ҒОЛИБАГА МУНОСИБ СОВҒА

**Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар томонлама чуқур билимли, етук ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.**



Айниқса Президентимизнинг келажак авлод вакилларига кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари туфайли ўткир зеҳнли, билимли, иқтидорли ёшларимиз сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Республикамизда бир неча йилдан буён Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари аниқланиб, муносиб тақдирланаётгани ҳам фикримиз далилидир. Бу йил ҳам номзодлар орасидан Тошкент шаҳридан маданият йўналиши бўйича Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Камола Эрматова ушбу мукофотнинг соҳиби бўлди.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳиби Камола Эрматовага шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов ҳокимлик совғаси — замонавий компьютер тўпламини топширди. Шунингдек, ғолибани чин кўнгилдан қутлаб, келгуси ўқиш ва ишларида омадлар тилади.

— Бугун қалбимда фахр-ифтихор туйғулари янада тўлиб-тошди. Менга билдирилган ишонч ва бундай юксак мукофотдан ниҳоятда хурсандман, — дейди ҳаяжонга тўлган Камола мамнуният билан. — Аввало Юртбошимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрликларидан миннатдормиз. Шахсан менга билдирилган юксак ишончни оқлаш мақсадида келгусида билимларимни ошириб, илмий салоҳиятимни бойитиб, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг янада равнақ топишида муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Ҳа, дарҳақиқат бугун қалбида чексиз орзу мақсадлари сари дадил одим ташлаётган оловқалб, ғайрат-шижоатли ёшларимиз жуда кўп. Улар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагидирлар.

**Гулором ШОКИРОВА**

**СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори Камола Эрматова.**

***Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Интернет глобал компьютер тармоғи орқали сотувчилар ва харидорлар ўртасида операциялар олиб бориш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (ЭСМ) тақдимоти бўлиб ўтди.***

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ: ИЛК ҚАДАМЛАР

Мазкур лойиҳа тақдимоти иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси бўлиб ўтаётган пайтда уюштирилиши бежиз эмас. Чунки сессияда «Электрон тижорат тўғрисида» ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар бизнеснинг янги шакли: e-Commerce Uzbekistan га йўл очиб берди.

Халқаро электрон тижорат мамлакатимизда эндигина ривожланиб келаётган соҳа ва давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг электрон савдо майдончаси электрон савдони шакллантириш борасидаги илк қадам бўлиб, янги ахборот технологиялари шароитида ташқи савдони ривожлантиришга ёрдам беради. Айни пайтда ташқи савдонинг зарур омили бўлмиш ҳақ тўлаш ва суғурталашнинг қулай ва замонавий тизимини яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур лойиҳада халқаро тажриба, электрон тижоратнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда минтақавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинди. Танлаб олинган бизнес-жараёнлар асосида оддий, аммо айни пайтда хавфсизлик даражаси юқори тизим яратилди. У Ўзбекистон ахборот-тижорат марказининг шўъба корхонаси - «Inkom and JS» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, савдо иштирокчилари учун музокаралар олиб бориш, тижорат таклифлари ҳамда ташқи савдо шартномалари шартларини келишиш имконини беради. ЭСМнинг Интернетга чиқишни таъминловчи ўз Web-интерфейси бор, яъни сотувчи ва харидорлар офисдан чиқмасдан битим тузиши мумкин. Шу тариқа битим ва шартномаларни тузишга сарфланадиган вақт ва маблағлар анчагина иқтисод қилинади.

ЭСМ ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, Электрон тўловлар маркази электрон тижоратнинг ривожланишидаги кейинги босқич бўлади, у Интернет-дўконлар, биржалар, аукционлар, ишлаб чиқариш компаниялари ҳамда хизмат кўрсатувчиларга ўз web-сайтлари орқали миллий валюта ва эркин муомаладаги валютада бутун дунёда кенг тарқалган кредит карталари ва электрон чеклар ёрдамида ҳисоб-китоб юритиш имконини беради. Бундай марказ Ҳиндистоннинг етакчи IT-компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Айни пайтда электрон имзо маркази ҳам лойиҳалаштирилмоқда. Унинг очилиши янги электрон оламда Ўзбекистон фуқароларини идентификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистонда электрон тижорат савдо-сотиқ самарадорлигини ошириш ҳамда республикамизнинг глобал иқтисодиётга интеграциялашувига хизмат қилади.

*Санъат*

## СОВҒА КАРТИНАЛАР

***Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондида ҳурматли меҳмонлар томонидан совға қилинган картиналар талайгина. Уларнинг аксарияти эндиликда музей экспозициясидаги энг яхши экспонатларга айланган.***

Яқинда яна бир неча янги расмлар музей фондидан ўрин олди. Жозибали кўриниш касб этган бу асарлар таниқли Озарбойжон рассоми Надежда Ибрагимова ижодига мансуб бўлиб, томошабинларда яхши таассурот қолдиради. Дўстликни мадҳ этувчи картиналар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ушбу тасвирий санъат асарлари Озарбойжон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга қилган расмий сафари чоғида музейга армуғон этилди.

## РАССОМ ЮБИЛЕЙИГА ТАРАДДУД

***Машҳур мўйқалам соҳиби Ўрол Тансиқбоев ижодий фаолияти самарали бўлган эди. Моҳир рассом томонидан яратилган қатор йирик полотнолар кўпгина халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш қилинган.***

Бундай дурдона картиналардан бир нечтаси Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондида ҳам бор. Музей ходимлари бу ажойиб экспонатлар асосида алоҳида экспозиция ташкил этишга киришдилар. Ушбу рассомлар учун бир йўла иккита майдонча ажратилди.

Ана шу дурдона ижод намуналари томошабинларга рассом Ўрол Тансиқбоев таваллудининг юз йиллиги муносабати билан тақдим этилади.

## ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР

***Ўзбекистон мўйқалам усталари томонидан яратилаётган янги асарлар томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Таниқли рассомлардан Ортиқали Қозоқов, Акмал Нур каби ижодкорлар устахоналарида юзага келган картиналар ҳам кўпчилик мухлисларга манзур бўлди.***

Рассом Акмал Нур ўзининг навбатдаги туркум картиналарини «Севги водийси» деб номлади. «Ўзликни англаш» деган расмларини эса мўйқалам соҳиби меҳрибон волидасига бағишлади.

Бундай ижод намуналаридан айримлари москвалик томошабинларга тақдим этилди. Ушбу асарлар Россия Федерацияси пойтахтида янги ташкил этилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси уюштирган кўргазмада муваффақиятли намойиш қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

*«Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман» танловига*

# САВОБЛИ УЧ ЮЗ ОЛТМИШ БЕШ КУН

— Уйда ҳадеб зерикиб ётаверасанми, — деб қолди ўртоғим қўнғироқ қилиб, — сени бир айлантириб келайми?

— Қаерга? — сўрайман қизиқсиниб мен ҳам.

— Борганингда биласан, тайёр бўлиб тур, кириб олиб кетаман, — деди-да, гўшакни қўйди.

Қизиқ, мени қаерга олиб бораркан, меҳмонавозликками ё сайилгоҳгамикин? То у келгунча ўйлайвериб, бошим ҳам хум бўлиб кетдиёв!..

Кетдик, деди машинасига ўтирар эканман. Орқа ўриндиқда ёшгина жувон билан келишган йигит ўтирарди, салом берсам, улар бош чайқолиб, мулойим жилмайиб қўйишди, индамасаларинг-индаманглар, деб қўйдим ичимда. Бирорта йўловчини ўтказиб олгандирда оғайним, деган гумонга ҳам бордим, ҳадеганда улар тушмас, бир-бири билан худди замбра ўйнагандай жим боришар, ошнам ҳам бепарво, уловини учирганча кетиб бораётир.

Муюлишни айланиб ўтиб, бир дарвоза олдида тақҳа тўхтадик, келдик, деди оғайним. Катта бир тугунни кўтариб ичкарига юрдик, ҳалиги жувон билан йигит ҳам орқамиздан эргашди.

— Қаерга келдик? — сўрадим сабрим чидамай.

— Дарвозадаги лавҳани кўрмадингми! — деди оғайним кулиб ва қўшиб қўйди, — кўзинг қаёқда эди?

— Қаёқда бўларди, анавиларда эдида, — дедим биз билан келганларга ишора қилиб.

— Чўчима, ўзимизники улар, менга тегишли, — деди кўнглимни хотиржам қилиб.

— Нега бўлмаса, индашмайди?

— Сабр қил, ҳозир индашади...

Темир панжара билан ўралган кенг саҳнли ҳовли йўлагидан ўтиб, болаларнинг шодон кулгилари-ю чуввос қий-чув, қийқириқларига рўбарў келдик, олдиларида онабоши... Бир вақт биз томонга қараб, бири-биридан ширин икки қизалоқ қанот чиқариб, чақ-чақ отиб кулиб келяпти, болалар кулсинда, улар кулмаса дунё ҳам ҳазин кўринади. Биринчи бўлиб улар ҳалиги ёш жувон билан эркак қучоғига отилдилар, қизчаларнинг тим қора кўзларида ўт чақнаб, бодом қовоқлари учиб, узун-узун киприклари титраб кетди!.. Мен эса ҳеч нарсани тушунолмай арзандаларга анграйганча жойимда қотиб турардим. Сўнг қизчалар ошнамнинг қучоғига отилиб, эркаланишди. Шунақаям эркаланишди!.. Асти қўяверинг...

Қай кўз билан кўрайки, бир вақт ҳеч гап-сўз йўқ, ўртада имо-ишора бошланиб кетса-я... тушунарли, дедим ичимда, нега улар машинада индамай келишди, десам, гап буёқда экан-да... Ундай бўлса, нега қизчалар ошнам билан ассалому алайкум буважон, деб сўрашишди, демак, болаларнинг тили-забони бор, ота-онасининг эса... Одатда ногиронлик юзга солинмайди, катта гуноҳ ҳисобланади!.. Буёғи энди ойдинлашди, биз қадам босган жой — Меҳрибонлик уйи экан-да!

Шундан кейин ўйлаб қолдим, қизалоқларга қандай кўнгил овлайдиган бирон ширин гап айтсам экан, деб. Йўқ, кечиккандим, улар мендан олдин отни қамчилаган эдилар, менга ҳам салом бериб, буважон, деб кўнгил овлаганда ҳам энг овлайдиган, энг жарангдор сўзни айтиб, уялтиришди-я?!

Ҳовли чеккасидаги курсилардан бирида жойлашиб, қизчалар ота-онаси билан тўйгунча «суҳбатлашишди», обдон дилкашлик қилишди. Гоҳгоҳида уларнинг «суҳбати»га ошнам ҳам қўшилиб турди, улар «тили»да туппа-тузук «гаплашаётгани» сезилиб турарди. Сўнг қизчалар «суҳбат»дан бўшаб, галма-гал шеър ўқишга тушишди. Биз эса шеърнинг мағзини чақиб, жон-жон деб эшитдик, ундаги «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Она юртим», «Адажон», «Ойижон» жумлаларини шу қадар ҳаяжон ва завқ билан айтишардики, сочларигача силкинарди. Ҳатто мен ҳам кўнглим бўшаб, даструмолга эҳтиёж сездим, чунки одам қонини жўштириб юборишганди-да! Шундан кейин ўша шеърларини ота-оналарига ҳам чиройли имо-ишора билан ёниб-тошиб «айтиб» беришди! Кўрган кўз қувонмай ҳам кўрсинчи?! Қойил-э!

Кўрдингми, егани олдида, емагани ортида, уларга ҳамма нарсани ўргатишади, бу ерда кўрганларимиз олтинга тенг, деркан ошнам унинг фахр-ифтихорли кўзлари чақнаб кетди, булбулигўё бўлиб кетишибди-ку, қизалоқлар, буларга меҳр кўрини бераётган тарбиячиларнинг отасига минг раҳмат-ей, дедим, кўнглим тоғдай кўтарилиб, хурсандлигим теримга сиғмай кетганди.

Ўртоғимнинг бу оилага қандай алоқаси бор, деган жумбоқ йўл-йўлакай менга тинчлик бермай келарди. Бизникига киргач, ҳаммаси сув юзасига қалқиб чиқиб қўяқолди. Маҳалланинг оқсоқоли бўлганингдан кейин унинг қувончиям, ташвишиям сенинг елкангда, ҳеч бир нарса эътибордан четда қолмаслиги керак, шундай бўлгач, бу ёш оиланинг тақдири — маҳалла тақдири эмасми, ахир, бош-қош бўлиш оқсоқолнинг ҳам инсонийлик бурчи, ҳам фуқаролик вазифаси!

Эр-хотин ишда бўлишганида қўни-қўшни, маҳалла аҳли болалардан тез-тез хабар олиб туришар экан, бир куни нима бўлибди-ю, кўздан қочирилган болалар кўчага ўйнаб чиқиб кетиб, эртасига топилибди, ҳамма оёққа турган, ҳамма юрак чангаллаган, ота-онасининг эсхонаси чиқиб, инсультга чалинибди, ярим йилдан ортиқ тўшакка қадалиб ётишибди, қўни-қўшни, бутун маҳалла аҳли жон олиб-жон бериб, кеча-ю кундуз тепаларида қараб ўтиришибди, фарзандларини иссиқ бағирларига олиб, ювиб-тараб, ўксик кўнгилларига малҳам бўлишибди.

Нима ҳам дердик, на йигитнинг, на қизнинг ота-онаси, яқинлари бор экан, уларнинг ўзлари ҳам бир вақтда ногиронлар уйида катта бўлишган, ҳатто ота-онасини ҳам эслай олишмайди.

Кўриб турибсиз, қизалоқлар ота-онасининг соғлиги ҳам айтарли яхшимас, Худо кўрсатмасин, тағин... Ўзингиз айтинг, бу аҳволда навниҳол болаларни ота-онаси ихтиёрига буткул ташлаб қўйиш қандоқ бўларкин? Йўқ, йўқ бирор чорасини қидириш керак. Ахийри, маҳалла аҳли гапни бир жойга қўйиб, ота-оналари розилигини олишди, болаларни Меҳрибонлик уйига топширишдан бўлак йўл қолмаганди.

Кўнгил кўчаси кенг, деб мана буни айтадилар! Ўшанда бир нарсани жуда қатъий келишиб олишган экан — бир йил уч юз олтмиш беш кун бўлса, маҳалла аҳли шу кунларни ўзаро бўлишиб олиб, ҳар куни болалардан хабар олиб туришни ўз зиммаларига олишибди. Қаранг-а, шу савобли уч юз олтмиш беш куннинг бир кунига келиб-келиб менинг ҳам насибам қўшилиб турган экан, ана шундай хайрли ишга шерик ва кўмакдош бўлганимдан юрагим очилиб-ёпилса-я, ҳозир ўйнаб юборгим келяпти. Севинганимдан рости, рақсга тушишга ҳам тайёрман!.. Сиз ҳам шошилинг, сафга қўшилинг, савобдан четда қолмай, десангиз!

Ахир, бу болажонларни дунёдаги ҳеч қандай бойликка ҳам алмашиб бўлмайди!..

Ана маҳалла аҳли ҳам катта дода, ҳам катта ойи!.. Ҳамманинг ҳавасини келтириб ўтиришибди, тасанно!

Бир гап чиқиб қолди, сиз ҳам эшитиб қўйинг, зора бир куни гувоҳи бўлиб қолсангиз ажабмас. Оғайним болалар уйида бир гапни айтганида йўлига шунчаки ҳазиллашяпти, деб унча аҳамият бермаган эдим, чиндан ҳам рост гап чиқиб қолди. Яхши қиз ёқадаги кундуз, деб нимага шама қилаётир десам, попукдай-попукдай ўша қизалоқларни, Худо хоҳласа, катта бўлишса, ўзим невара келин қиламан, деса-я!..

Яхши, олижаноб ният.

Мен ҳам қадрдонимнинг тилакларига қўшилган ҳолда Севара билан Маҳмудаларнинг келажак бахти очилгани, илоҳим, рост бўлсин дейман!

Гап гапни қўзғайди. Шу воқеа ёдимга бошқа бир воқеани солди: узоқ қариндошимизнинг тилаб олган оҳу кўзли, пари-пайкар қизи бўлиб, ҳусн-малоҳатда тенгсиз эди, не-не йигитларнинг юрагидан уриб, уйқусини бузган, бири олиб, бири қўйиб совчи юборар, сўнг айниб кетар, биргина айби — қизнинг ота-онаси тилсиз-забонсиз эди-да... Лекин бир йигит қатъийлигини охирига етказиб, икки севишган турмуш қуришди, ҳозир улар бахтли яшашяпти, фарзандлари бекамикўст, соғлом туғилишди, қуда-андалар эса борди-келдисини канда қилишмайди!..

Ҳаёт шунақа, ҳеч ўйламаган ва кутилмаган «сюрприз»ни сизга ҳадя этади...

Ким ҳам қувонмайди: беғубор болалик нашидасини сураётган ва ҳеч нарсага зориқмаётган қизчалар ҳақида бутун бошли маҳалла қайғуриб турса, бундан ҳам гўзал, бундан ҳам тотли ҳаётни яна қайдан топиш мумкин?!

Очиғи, ошнамнинг онаси уни ана шунақанги хайрли, савобли ишлар ва яхшиликлар учун туғиб кетган экан-да, деб қўяман ўзимча. Бу хислатлар унга болалигиданоқ ўтган, қонида борда! Яхши эслайман: кунора кўчамизда бўш челаклар пайдо бўлиб қоларди, оғайним ғизиллаганча пастга—анҳорга тушиб, пақирларни сувга тўлдириб, эгаларига тарқатиб чиқарди, бозор-ўчарга югурган ҳам Ҳотам, дўхтирга чопган ҳам Ҳотам, икки оёғини қўлига олиб, қачон қараманг югургани-югурган эди, тиним билмасди сираям. Кексаларнинг энг катта дуосини олган ҳам Ҳотам эди, биз ҳам уялиб кетганимиздан бу савобли ишларга бош қўшиб, маҳаллага асқотиб турардик, лекин Ҳотамчалик ҳотамтойлик қўлимиздан келмасди. Мана бугун ҳам унинг ҳимматини кўринг, бутун маҳаллани оёққа турғазиб, асосий эътиборни Меҳрибонлик уйига қаратиб, ногирон ота-она фарзандларини бошларига кўтаряпти-я?!

Менинг қалбимда ҳам меҳр-мурувват ва ихлос уйғотди, рости, қайноқ ҳавас уйғотди, ўша қизалоқларни невараларимдай яхши кўриб кетяпман...

«Қачон борсанг, мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кет ёки сенсиз ҳам ўзим топиб бораверaман», десам дўстимга, у «Ҳо, қаёқдан кун чиқди, деб, ҳазиллашди-да эртага тайёр бўлиб тур, йўл-йўлакай олиб кетаман», дея жавоб қайтарди.

Ахир, елка-елкани ҳис этиб тургани қандай яхши-я!..

Оромимни йўқотгандим. Қани энди ер таноби тезроқ тортилса-ю, тонг ҳам тезроқ ота қолса?! Энди бир оёғим болалар уйида бўлади, қандай бахтлиман, мен ҳам кўмаклашсам-кўмаклашибманда қариган чоғимда!

Бутун эс-ҳушим қизалоқларда!.. Чуқур ўйга толаман: эртага нима олиб борсам, қизчаларнинг кўнглини олган бўламан?.. Ҳали вақт бор, яна ўйлаб кўрарман. Бу дебочаси ахир.

**Миршароф МУҲСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

*Хушхабар*

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ

***Андижон Давлат университети куни кеча одатдагидан кўра гавжумроқ бўлди. Зеро, ушбу ўқув даргоҳига республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан тарих ва физика фанлари бўйича ўтадиган олимпиадада қатнашиш учун билимдонлар келишди.***

Республика Олий таълим вазирлигининг тавсия ва кўрсатмасига биноан ўтказилган тафаккур кўриги ҳақиқий билим эгаларини аниқлаб берди.

Шуни таъкидлаш керакки, олимпиада устозлар учун ҳам ўзига хос синов вазифасини ўтади. Чунки иқтидор кўригига ўз шогирдини тайёрлаган устозлар ҳам ўзгача ҳаяжонда улар иштирокини кузатишди.

Аввалги олимпиадаларда икки бор ғолибликни қўлга киритган Ўзбекистон Миллий университети талабаси Аҳмаджон Абдужабборов бу сафар ҳам биринчи ўрин соҳиби бўлди.

— Мен Ўзбекистон Миллий университети физика факультетининг 3-босқич талабасиман. Республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилаётган олимпиадаларда учинчи бор иштирок этмоқдаман. Андижондаги олимпиадага ҳам астойдил тайёргарлик кўрдим. Бу сафарги беллашувда ҳам биринчи бўлдим. Мен физика фанига мактабда ўқиб юрган кезларимдан қизиқар эдим. Университетдаги устозларим ва илм ўрганиш учун яратилган муҳит менга жуда қўл келди. Бу сафарги ғалаба менга янада ўзимга ишонч руҳини мустаҳкамлайди, — дейди биз билан суҳбатда А.Абдужабборов.

Ғолибга Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1-даражали дипломи ва 5 та стипендия миқдорида пул мукофоти берилади.

Тарихчилар беллашуви ҳам ғоят қизиқарли тусда кечди. Унда мамлакатимизнинг нотарих йўналишидаги 27 та олий ўқув юртларидан келган иқтидор эгалари қатнашдилар. Уларга биринчи босқичда 36 та тест синов саволлари ва иккинчи босқичда 24 та оғзаки саволлар берилди.

Нуфузли ва зукко устозлардан тузилган ҳайъат аъзолари ғолибларни синчковлик билан аниқладилар. Бунда Андижон Давлат университети талабаси Акромжон Ҳамидов ғолиб чиққан бўлса, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шавкат Усмоновга иккинчи, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Ҳамдам Отажоновга эса учинчи ўринлар насиб этди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат техника университети доценти**

***Замонавий ва бежирим мебеллар хонадонимиз кўрки, иш жойларимиз, дам олиш масканлари қулайлиги эканлигини инкор этмаймиз. Тадбиркорликка кенг йўл очилган бугунги шароитда эса ана шундай қулай ва шинам, айниқса, мустаҳкам ва рақобатбардош мебель турларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, четники ўрнини эгаллаётгани ҳам иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлса, ҳам аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда.***



*Кичик ва хусусий тадбиркорлик*

# ИЗЛАНИБ, ИМКОН ТОПИШМОҚДА

Албатта, қайси соҳада рақобат кучли бўлса, ана шу жойда сифатга ҳам асосий эътибор қаратилади. Сифат эса, шубҳасиз муваффақият гарови. Буни дилдан ҳис этган ва бозор талабидан келиб чиқиб иш юритаётган «Турон-продуктион» шўъба корхонаси мебелсозлари саъй-ҳаракатлари самараси маҳсулотнинг рақобатбардошлигида, харидор эҳтиёжига яраша нархида, ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилаб, харидорлар сафининг ортишида яққол кўзга ташланмоқда.



Ҳар бир ишда изланиш, изланганда ҳам астойдил янгиликка интилиш натижасиз қолмаслиги ушбу корхона мисолида ўз исботини топмоқда. Аввалига 7 та ҳунарманд устанинг бирлашуви билан ташкил топган «Тонг-мебель» усталар уюшмаси ўтган йилдан 30 нафардан зиёд ғайратли йигитларни иш билан таъминлаб кичик корхонага айлантирилди. Оддийгина стол-стул ва ўқув парталари ўрнини эса бозорни ўрганиш, чет эл каталоглари асосида ижодий изланиш натижасида 20 турга яқин стуллар, 10 турдаги стол, каравотлар, ётоқхона ва меҳмонхона термалари, юмшоқ мебеллар, идора мебеллари эгаллади. Корхона ўзининг бир йиллик фаолияти давомида маҳсулот турларини 10 баравардан ҳам зиёд этиб, 80 хилга етказди. Бунинг учун эса аввалги кичкина цех 2 та катта цехга айлантирилди, тайёр маҳсулотлар учун кўргазмалар зали ташкил этилди, фирма ўз офисига эга бўлди. Энг аосийси эса мебелсозларнинг маҳаллий хом ашё — ёнғоқ ва чинордан фойдаланиб харидорбоп маҳсулотлар тайёрлаётганидир.

— Бозор талабини, харидор дидини ўрганишда бизга маҳсулотларимиз шартнома асосида сотиладиган савдо шохобчалари билан ҳамкорлик яхши ёрдам бермоқда, — дейди корхонанинг тижорат директори Маъмуржон Қурбонов. — Ҳозирда пойтахтимиздаги 11 та мебель дўконлари билан ҳамкорлигимиз бор. Лекин келгусида харидорга янаям сифатли ва арзонроқ нархда мебеллар етказиб бериш ниятида ўз фирма дўконимизга эга бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу биз учун ҳам, харидорларимиз учун ҳам алоҳида бир қулайлик бўлади. Шунингдек, ҳозирги пайтда ўзимиз тайёрлаган дастгоҳлардан фойдаланяпмиз. Лекин катта ҳажмдаги буюртмаларни, рақобатбардош товарларни тайёрлашда юксак унумли замонавий мебель линиялари зарурлигини ҳис этган ҳолда айни пайтда ана шундай ускуналар олиш ҳаракатидамиз. Бунинг учун Германиянинг «Хомак» фирмаси билан музокаралар олиб бораяпмиз. Албатта, Италия, Россия давлатлари мебелсозлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Уларнинг тажрибаларини ўрганиш хорижга чиқишимизда катта ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Тадбиркор мебелсозлар ҳамиша ривожланиш йўлидан бориб ички бозорда муносиб ўрин эгаллашга аҳд қилишган. Бунда буюртмачи харидорлар талаб ва таклифидан келиб чиқиб иш юритаётган тажриба-синов гуруҳи дизайнер усталарининг муносиб ҳиссалари бор. Шу боисдан ҳам моҳир дизайнерлар Тоҳир Жўраев, Ахрорбек Одилов, Азизбек Тўхтаматовларни ҳар доим меҳнат жараёнида учратасиз. Негаки, янги маҳсулотнинг харидоргирлиги, таннархи арзон бўлиши уларга боғлиқ-да.

Агарда корхонага бирорта буюртма тушса, уни адо этмагунча бирорта одам тиниб-тинчимайди. Шу боисдан ҳам Тошкент аэропорти учун тайёрланган компьютер столлари, болалар интернати учун каравотлар буюртмачиларни мамнун этди. Шуниси эътиборлики, ҳар бир савдо дўконида корхонанинг ўз каталоглари харидорга тавсия этилиши йўлга қўйилди.

Меҳнат унуми, маҳсулот сифатини таъминлаш учун эса ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш, кўнгилли дам олишини ташкиллаштириш зарурлиги ҳам эътиборда. Жиҳозланган дам олиш хоналари, бепул тушлик, байрамларда бериладиган озиқ -овқат маҳсулотлари мебелсозлар ғайратига ғайрат қўшади. Бугунги кунда эса корхона ҳовлисидаги ёзги сузиш ҳавзаси таъмирланмоқда.

Мебелсозлар келгусида ҳам сифатга эътиборни кучайтириб, маҳсулотларини қўшни давлатларга чиқариш устида ишлашмоқда. Негаки, ҳозирда бу ерда тайёрланаётган мебель маҳсулотларига Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон давлатлари харидорлари ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Бу қизиқиш тадбиркорлар эътиборида. Шунингдек, ётоқхона мебеллари учун тўшаклар ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилади. Ҳозирда ойига 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётган бўлса, яқин келажакда ушбу рақамни бир неча бароварга ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган. Бунга албатта, тадбиркорлик орқали эришилади.

Сирасини айтганда эса, корхона аҳли ҳамжиҳатликда изланиб, имкон топишмоқда. Ана шу имконнинг маҳсули бўлган сифатли мебеллар эса харидорни мамнун этиши, бозорда муҳим ўрин эгаллаши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**



**СУРАТЛАРДА: ёғочга ишлов бериш цехи бригадири Нажот Каминов (чапдан) силлиқловчи Нуриллоҳ Ниғмонов ва бош муҳандис Тоҳир Иноятов; бригада бошлиғи Мирабзал Содиқов, корхона маҳсулотлари.**



# КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ

***Мамлакатимизда хусусий мулкдорлар сафининг ортиб боришида, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, уларнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссалари салмоғининг кўпайишида республика Кўчмас мулк биржасининг ҳам муҳим ўрни бор, албатта.***

Республика Кўчмас мулк биржаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги «Республика кўчмас мулк биржаси самарадорлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Унинг ўз олдига қўйган асосий мақсади мамлакатимизда давлат мулкларини очиқ аукцион, танлов ва биржа савдолари орқали хусусийлаштириш, замонавий кўчмас мулк бозорини яратиш, юртимизда мулкдорлар синфини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшишдан иборат бўлиб, айни пайтда, биржанинг Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахтимиз ва барча вилоятларда 15 та ҳудудий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимларда юзлаб тажрибали ходимлар ва малака сертификатига эга бўлган брокерларнинг меҳнатлари ўз самарасини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биржа ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошира бориб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатувчи брокер ҳамда ҳамма иштирокчиларга савдода тенг ҳуқуқлилик асосида қатнашиш имкониятини яратиб берувчи замонавий компьютер техникаси ва кўп каналли ишончли алоқа воситалари билан жиҳозланган ихтисослашган ташкилотга айланди. Ўтган йилда биржанинг савдо айланмаси 23 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Юридик ва жисмоний шахслар 13931 та кўчмас мулк ва бошқа турдаги объектларни сотиб олиб мулкдорлар сафини кенгайтиришга, тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Биржада фаолият кўрсатаётган брокерлар тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган, уни кенгайтириш ниятида бўлган юртдошларимиз ва хорижий инвесторларга кўчмас мулк сотиб олишдек мураккаб масалада сидқидилдан хизмат кўрсатиб, тадбиркорлар сафининг ортишига, қўшимча ишчи ўринлари яратилишига кўмаклашишмоқда.

Албатта, янгилик бор жойда самара ҳам, ишда барака ҳам бўлади. Биржа фаолиятидаги янгиликлардан бири эса Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарори асосида бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасаювчи давлат мулкларининг савдога чиқарилаётганидир. Шунингдек, паст рентабелли, иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналар, объектлар инвестиция киритиш шарти билан танлов асосида бепул берилиши механизми ҳам амалиётга жорий этилгани фойдадан ҳоли эмас.

Биржа нафақат давлат мулкларини сотиб олишда, балки тадбиркор ва фуқароларга ўзларига тегишли бўлган мулкларни аукцион, танлов ва биржа савдолари орқали сотиб беришда ҳам хизматларни кўрсатмоқда. Шуни айтиш кераккки, биржада жорий қилинган марказлаштирилган электрон биржа савдоси тизими юртимизнинг исталган ҳудудида фаолият кўрсатаётган брокерларга тўғридан - тўғри савдо қилиш имкониятини яратиб, ошкораликни таъминлайди.

Ўтган йилдан бошлаб биржада «Ким ошди савдолари агентлиги» ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда у мамлакатимиздаги аукцион ва танлов савдолари бўйича ихтисослашган энг йирик савдо ташкилотчиси сифатида фаолият юритмоқда.

Олдига қўйилган мақсадга эришиш йўлида биржа жамоаси мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги-янги усулларни қўллаш борасида изланмоқда.

«Кўчмас мулк — кетмас давлат», деган ибора бор халқимизда. Шу боисдан ҳам биржа ҳар бир мулкдорга, ҳар бир тадбиркорга ана шундай кетмас давлат эгаси бўлишида, иқтисодиётимиз ривожи, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшишида хизмат кўрсатиб, уларга ҳамиша ёрдам бермоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ТАДБИРКОР

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ТАДБИРКОРГА САХОВАТ ЯРАШАДИ

***Хусусий тадбиркор Аъзам Мирзаулуғовни Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида ёшу кекса меҳнатсевар ва саховатли инсон сифатида танийди ва ҳурмат қилади. «Саховатнинг етти дарвозаси бор» нақлига амал қилган Аъзамжон тадбиркорлик фаолияти давомида эришган муваффақиятлари, ишининг олға силжиётгани, албатта, инсонларга меҳри, муҳтожларга мурувввати боис эканлигини дилдан ҳис этади***





1998 йилда тадбиркор ташкил этган ишлаб чиқариш цехи бугунги кунда 30 дан зиёд ёшларни иш билан таъминлади. Уларнинг меҳнати билан ойига 5 минг квадрат метр 12 турдаги йўл ва йўлкалар учун сифатли плиткалар ва бошқа қурилиш ашёлари, дурадгорлик цехида эса эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Албатта, тадбиркорлик фаолиятимни бошлар эканман, — дейди Аъзам Мирзаулуғов, — маҳаллий хом ашёдан республикамиз учун зарур, четники билан бемалол рақобатлаша оладиган қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни ният қилган эдим. Мана, бугунги кунда мақсадимга эришдим, тайёрлаётган маҳсулотларимиз юртимиздаги кўплаб қурилиш майдонларида қўл келмоқда, буюртмачиларимиз сафи кенгайиши учун эса сифатга асосий эътиборни қаратаяпмиз.

Ҳақиқий тадбиркорда тиним бўлмаслиги, изланишлари эса самара бериши, шубҳасиз. Шуни назарда тутган Аъзам ҳозирда фаолият доирасини кенгайтириш тараддудида. Яқин кунларда тикув цехи ташкил этиб, маҳалладаги хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Албатта, бунинг учун замонавий тикув дастгоҳлари харид қилиниб, маҳаллий хом ашё — сифатли матолардан харидоргир либослар тайёрланади. Шунингдек, қандолатчилик ва нон ёпиш цехларини ҳам ишга тушириш режаланган.

— Тадбиркор инсонлар яшайдиган маҳалла обод, аҳолиси эса бадавлат бўлишини истайман, — дейди Аъзам Мирзаулуғов. — Бунга эса интилиш, астойдил меҳнат қилиш орқали эришилади. Шу боисдан ҳам маҳалладаги ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг яхши даромад олишларига кўмаклашишни дилимга тукканман. Насиб этиб, янги цехларимиз ишга тушса, меҳнатларимиз, албатта самара беради.

Аъзамжон қалбида ҳамиша эзгулик чироғи ёнган, барчага ёрдам қўлини чўзадиган тадбиркор. Айниқса, Наврўз, Ҳайит байрамларида саховат тадбирларини ўтказишда унинг ҳимматидан кўпчилик баҳраманд бўлди.

— Саховатни дилдан чиқариб қилиш лозим, — дейди тадбиркор. —Ана шунда кўнглинг ёришади, ишларинг ўнгидан келаверади. Меҳр ва мурувват йилида маҳалладошларимга қўлимдан келганча ёрдам беришга аҳд қилганман. Уларнинг дуолари эса ишларим ривожини таъминлашига аминман.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: хусусий тадбиркор Аъзам Мирзаулуғов буюртмачига маҳсулот турларини кўрсатмоқда; бригада бошлиғи Акромжон Узоқов.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

***Бозор ислоҳотларини босқичма-босқич чуқурлаштириш корхоналар олдида турган бир қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Бу муаммолардан бири корхоналар фаолиятида молиявий маблағларнинг етишмаслигидир. Бу муаммони қандай ҳал қилса бўлади? Фикримизча, ушбу муаммони иқтисодиётга молиявий инвестицияларни оқилона йўналтириш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин.***

2003 йилда мамлакат иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми қарийб 2 триллион сўмга етди. «Инвестициялар» тушунчаси юқори фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият соҳа объектларига йўналтириладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга тегишли ҳуқуқлар мажмуини ифода этади.

Инвестициялар йўналтирилаётган объект ёки соҳага қараб реал ва молиявий инвестицияларга бўлинади.

Реал инвестиция — мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқариш (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳоказо)га капитал қўйиш, шунингдек, суверен давлатларга қарз ва субсидия бериш шаклларида амалга оширилади.

Молиявий инвестициялар эса қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий қўйилмаларга қилинган харажатлар бўлиб, улар қўшимча фойда келтиради. Масалан, қимматли қоғозлар курсининг ижобий ўзгариши, ижобий валюта фарқи бунга мисол бўла олади.

Бозор муносабатлари шароитида моливий инвестицияар бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектларидан бирига айланмоқда. Бухгалтерия ҳисобини, ахборот ва назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида молиявий инвестициялар корхоналарнинг мавжуд бошқа активлари сингари сон жиҳатдан ўлчанади ва сифат жиҳатдан тавсифланади.

Айни кунда молиявий инвестициялар ҳисобида баъзи бир муаммолар мавжуд. Бу муаммолар молиявий ҳисобот шаклларига тегишлидир. Жумладан, «Бухгалтерия баланси» номли молиявий ҳисоботнинг 1-сонли шаклида умуман акционерлик жамиятлари, тижорат банкларининг акциялари ва бошқа узоқ муддатли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларни акс эттирувчи, шунингдек, таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларни акс эттирувчи моддалар мавжуд эмас.

Фикримизча, бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни комплекс умумлаштириш имконини беради.

**Меҳриддин ШАЙМАНОВ,**
**Тошкент Молия институти магистранти.**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ФАРҚИ НИМАДА?

***Кимдир «тадбиркорман», яна бировлар эса «бизнесменман» дейишади. Айтингчи, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўртасида фарқ борми ёки иккаласи ҳам бир маънони англатадими?***

**Нодир Баҳромов,**
**Мирзо-Улуғбек тумани.**

Тадбиркор — қисқача айтганда юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс ҳисобланади. Бизнес эса, бу— шахсий бойлик, фойда орттиришга қаратилган иш бўлиб, бизнесмен ана шу бизнес билан шуғулланувчи шахс. Бизнес — бу пулдан пул келтириб чиқаришдир.

Шу боисдан ҳам тадбиркорликни бизнес тушунчаси билан боғлаш унчалик тўғри эмас. Тўғри, уларнинг мазмуни бир-бирига яқин, лекин айнан бир хил эмасдир. Бизнеснинг синонимлари хусусида тўхталадиган бўлсак, уларга тижорат, савдо, тармоқ, фирма, фаоллик, корчалон ва ҳоказоларни келтириш ўринли.

Тадбиркорлик эса — бу қўлидаги озми-кўпми маблағидан бизнес билан шуғулланиш учун фойдаланадиган фаол ва ташаббускор шахснинг интеллектуал фаолиятидир. Машаққатли меҳнат, уддабуронлик, моҳирлик, билимдонлик, ташаббускорлик тадбиркорликнинг асосий синонимлари ҳисобланади.

Тадбиркор ўз ғоясига эга бўлиб, бошланғич капитал бўлмаслиги ҳам мумкин. Бизнесмен эса фойда келтирувчи фаолият ва капиталга эга кишидир. Тадбиркор таваккалчилик қиладиган, ижодкор, иқтидорли бўлиб, тадбиркорликнинг фойдасини олади. Бизнесмен эса барқарорликка интилувчи, фикрлаш ва хатти-ҳаракатида консерватор, менежерлик маҳорати бор инсон бўлиб, капитали даромадини олади.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўртасида назарий жиҳатдан фарқ бўлсада, барибир кундалик ҳаётимизда бизнес билан шуғулланувчиларни ҳам тадбиркор, ишбилармон деб юритиш одат тусига кирган.

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилона яшагандан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ортиқча меҳр қўйиш кўзни кўр, кулоқни кар қилади.

● Бир ҳакимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шу ҳислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қуйиб қўйилган бўлса, унга мой қуйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не хаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир куни бир ҳакимдан:

— Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ботирлик тиғ бўлса, ақлу тадбир қўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тиғсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиғ қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

● Бир ҳакимдан:

— Қандай одам жазога лойиқ? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар вахший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликлари учун жазоланадилар.

● Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамагир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши ғазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда ғазабдан кучлироқ нарса йўқ. Ғазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган қуйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, топган емишини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхтатмай оғзига солаверади. Ваҳоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

**Байт:**

**Танпарварлик бўлса доим хаёлинг,**
**Қачон сенга кулиб боқади иқбол?**
**Гар гадосан гарчи шоҳнинг лашкари,**
**Нафсинг орзусини йўқотгил дарҳол.**

● Унутмагинки, ўз дардини табибдан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

*Хотира уйғонса гўзалдир*

# ЯХШИДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАДИ

***Ўзбек халқининг севимли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги дақиқаларида биргина тилагини изҳор қилаётган пайтда, «Кибриё мени 25 йил тишининг кавагида авайлаб-асраб келди, мендан кейин Кибриёнинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаслигини хоҳлар эдим», деган эканлар. Яна бир тилаги — тириклигида муқаддас даргоҳ бўлган хонадонининг ўзидан кейин ҳам шундай бўлиб қолишидир. Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қаҳҳор хонадони барча ёзувчилар, шоирлар, санъат аҳли, умуман яхши инсонлар учун муқаддас даргоҳ бўлиб қолди. Бу эса Кибриё опанинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина амалга ошди. Мен ҳам шу даргоҳда озми-кўпми яшадим, таълим олдим, таниш-билишлар орттирдим.***

Кибриё опа билан танишишимга Абдулла Қаҳҳор ижодига бўлган қизиқишим сабаб бўлган. Мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ мен ҳам бошқа ўқувчилар қатори Абдулла Қаҳҳор асарларини севиб ўқирдим, биз учун Абдулла Қаҳҳор қўл етмас, еттинчи осмондаги бир илоҳий инсон эди. Ўша пайтдаёқ мен Абдулла Қаҳҳор ижодини янада кўпроқ ва кенгроқ ўрганаман деган ниятда эдим. Мактабни битириб, Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультетига ўқишга кирдим ва юқоридаги ният менга тинчлик бермади. Марҳум устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, библиограф Матлуба опа Носировага дилимдагини айтдим ва маслаҳат сўрадим. У киши бу мавзуда диплом иши бажаришим мумкинлигини айтди ва мен ишга киришдим. Ишни бажариш жараёнида Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий кутубхонаси ва қўлёзмалари билан танишиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун кўплаб манбаларни кўрдим ва Абдулла Қаҳҳор хонадонига кириб бориш истаги туғилди. Мен курсдошим, ҳозирги кунда «Муштум» журнали ва «Афанди» газеталари бош муҳаррири Ашурали Жўраевдан ёрдам сўрадим. Сабаби Ашурали ўша пайтдаёқ Кибриё опанинг яхши кўрган, ҳурмат қилган укаларидан бири — Неъмат ака Аминовнинг этагидан тутган эди. Қутлуғ хонадонга кириб бориш учун бундай кишилардан фойдаланиш жуда зарур эди. Шундай қилиб, опа билан телефонлашиб, 1977 йилнинг баҳорида учрашдик. Опа бизни яхши кутиб олдилар. Суҳбатлашиб, мақсадимни, қилаётган ишларимни сўрадилар. Анчагина гаплашиб ўтирдик. Опанинг кейинчалик ўзлари эътироф этишларича, ўша куни негадир ишни охиригача етказишимга ишонмаган эканлар. Мен диплом ишини имтиёзли баҳога ҳимоя қилдим ва у кўпчилик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ҳамда нашр этишга тавсия этилди. Иш кейинчалик 1991 йилда библиографик кўрсаткич сифатида нашрдан чиқди.

Шу кундан бошлаб опа хонадонига тез-тез келиб турадиган бўлдим ва ҳар сафар борганимда мени опанинг ва қолаверса, Абдулла Қаҳҳор руҳиятининг салобати босар эди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳордай ёзувчининг шахсий кутубхонасига кирганимда, у кишининг диванига ўтирганимда, қўллари теккан китобларни варақлаганимда, назаримда Абдулла Қаҳҳор қараб тургандай бўлаверарди.

1978 йили институтни тугатиб, ўқитувчилик қила бошладим. 1987 йили Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллик юбилейи нишонланди. Шу муносабат билан Абдулла Қаҳҳор уй-музейини ташкил этиш ҳақида қарор чиққан ва бу иш бошлаб юборилган эди. Бир куни ишдан келиб, овқатга уннаб турган эдим, эшик тақиллаб қолди. Очсам — Кибриё опа, шошиб қолдим. Опа хонага кириб, бир оз ўтирдилар ва мени бутунлай олиб кетиш учун келганликларини айтдилар. Аввал ҳам бир неча марта бу таклифни эшитиб, бир қарорга келолмай юрган эдим. Мен рад этолмадим ва опа билан кетдим.

1991 йилгача шу хонадонда яшаб опадан жуда кўп нарсани ўргандим, уни қайтадан кашф этдим, опа туфайли юртимизнинг буюк кишилари, ёзувчилар, шоиру шоиралар, санъаткорлар, олимлар билан танишдим.

Опа 25 йил давомида Абдулла Қаҳҳордай инсон билан яшагани учунмикан, унда ҳам тилга, ҳам сўзга талабчанлик, қаттиққўллик бор эди. Мен ҳар куни ишдан келганимдан сўнг барча газета ва журналлардаги адабиёт, санъат ва маънавиятга оид мақолаларни ўқиб берар эдим. Биргаликда уларни муҳокама қилардик. Опа доимо жумлалардаги ғализликлардан, фикрнинг нотўғри берилишидан ранжир эдилар.

Опа жуда пазанда эдилар. Кўпгина пазандалик сирларини опадан ўргандим. Ошни — Самарқанд паловини опадай дамлайдиган аёл бўлмаса керак. Абдулла Қаҳҳор севиб тановул қилган пиёзли патир, парамач, лағмон, чучвара каби овқатларнинг ярим тайёр ҳолдагиси доимо музлатгичда тахт турарди. Бўш вақтимизда биргаликда тайёрлаб қўярдик ва доим меҳмон келиши билан 5-10 дақиқада дастурхонга келтириб қўярдик. Опа аёлларнинг оилада эрини албатта ҳурмат қилиши, бир поғона паст туриши кераклигини айтар эдилар. Аёлларнинг эрини «палончи ака» деб чақиришларини ёқтирмас эдилар. Ҳукумат касалхонасида ётганларида турмуш ўртоғим билан кўргани бордик ва нима бўлиб, опанинг олдиларида «палончи ака» деб чақирибман. Опа «ҳа, қўшнингизнинг эрими, ака деб чақирасиз», деб танбеҳ бердилар ва шу кунгача ана шу танбеҳ қулоғим тагида жаранглаб туради ва «ака» дейишга тилим бормайди.

Опада аёлларга хос ишонувчанлик, соддалик ҳам бор эди. Кўплар опанинг ана шу соддалигидан, ишонувчанлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уриндилар ва бу опани қаттиқ ранжитар эди.

Ҳамма қатори мен ҳам опанинг матонатига, Абдулла Қаҳҳор хотирасига бўлган садоқатига қойил қолар эдим. Опа турмуш ўртоғидан кейинги умри давомида Қаҳҳордай ёзувчининг хотирасини соф, пок сақлашга, абадийлаштиришга, унинг асарларини тарғиб қилишга, ҳар бир ёш китобхон онгига етказиб боришга бутун куч-қувватлари билан ҳаракат қилдилар. Турли даражадаги тадбирларда бош-қош бўлиб, республикамизнинг ҳар хил бурчакларида халқ билан, китобхонлар билан учрашувларга борар, суҳбатлар ташкил этар, Абдулла Қаҳҳор ҳақида фақат яхши гаплар айтиб қолишга, хотираларини қолдиришга ҳаракат қилардилар. «Чорак аср ҳамнафас» номли хотиралар китобини нашр этганда бу асар қўлма-қўл бўлиб кетди. Хатто мен ўзим сотиб олган нусхамни ҳам совға қилиб юбордилар. Шунда «опа, мен буни сизга дастхат ёздириб оламан деган ниятда эдим, десам, нима эрта-индин ўлиб кетаяпманми, дастхат ёзиб бераман, сиз шу ердасиз, жуда бўлмаса кейинги нашридан бераман», деб кулган эдилар. Афсус, иккинчи нашри насиб этмади.

Опа жуда хушчақчақ, ҳазилкаш, ўта латифагўй, энг асосийси — ғазалхон аёл эдилар. Опа ғазал ўқиганларида кўзлари ёниб кетарди. 80 ёшли инсон кўзларида камдан-кам бундай ёлқин бўлади. Ҳамма шоиру шоиралар, ёзувчилар опадан ғазал эшитиш, унинг мағзини чақиш, опани ғазал ўқитиб қўйиб томоша қилиш мақсадида келарди, назаримда. Жуда бўлмаса, опа` ўзлари телефон қилиб, «келинг, бир пиёла чойимиз бор, бир жуфт шеър эшитиб кетасиз», деб чақирардилар. Опа форс адабиётидан, эрон адабиётидан ёки араб адабиётидан ичакузди латифаларни айтишни бошласалар, мени чиқариб юборардилар.

Опанинг қўли очиқлиги ҳам бор эди. Ҳовлида икки туп хурмо ўсарди. Кейинчалик музей ташкил этилиб, қўшимча бино қурилганда битта хурмо кесиб ташланди. Хурмо пишганда унинг мевасини ҳеч қаерга сиғдириб бўлмасди. Уйга ким келса, сумкасини тўлдириб мевадан бериб юборардилар. Яшашга иштиёқи баланд Кибриё опанинг ҳаётдан умидлари катта эди. Бир сўз билан айтганда, кўтаринки руҳ, яхши кайфият, ишонч, умидворлик опани ҳеч қачон тарк этмас эди. Касалхонага тушишларидан икки кун аввал телефонда гаплашганимда ҳам ана шу кайфиятда эдилар ва биз ғафлатда қолдик.

«Яхшидан яхши ном қолади», деб бежиз айтмайди халқимиз. Опа ҳаёт бўлганларида 90 ёшга қадам қўярдилар. Уларнинг хотиралари бир умр қалбларимизда сақланиб қолади.

**Зуҳра БЕРДИЕВА,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси.**

*Маслаҳат*

## УЙҚУНГИЗ КЕЛСА...

Кишиларимизнинг табиати қизиқ! Тунгача ором билмай ғимирлашгани ғимирлашган. Ким мукка тушиб китобхонлик қилади, ким ойнаи жаҳоннинг мафтуни, ким тикувчилик қилади, ким эса уй ичини супуриб-сидириб, тозалашдан эринмайди-да, яна ухлолмасликларидан нолиб юришади. Аммо уйқу масаласига жиддий эътибор бериш керак. Негаки, уйқусизлик кишининг ташқи кўринишигагина салбий таъсир қилмасдан, балки, унинг меҳнат қобилиятини ҳам анча-мунча сусайтириб юборади. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик кераккки, энг яхши уйқу тун ярмигача кечадиганi ҳисобланади. Шундай яхши дам олишни истовчилар, «муқим иш»ларини бир четга қўйиб, кеч соат ўн-ўн яримдан бир соат ҳам кечиктирмасдан пинакка кетишлари зарур. Акс ҳолда уйқуга «тўймай» юраверадилар.

Рисоладагидек ором олиб ухлаш учун мутахассисларнинг қуйидаги маслаҳатларини амалга ошириб туриш фақат фойда келтиради:

Биринчидан, ётоқхонанинг деразаси очиқ ёки хона уйқу олдидан шамоллатиб олинган бўлиши керак.

Иккинчидан, ётиш, яъни тўшакка чўзилиш олдидан ёғли, ҳазми оғир таомларни тановул қилмаслик зарур.

Учинчидан, уйқу олдидан кишида чуқур таассурот қолдирадиган таъсирли китобларни ўқимаслик, телекўрсатувларни (айниқса фожеали кинофильмларни) кўрмаслик кони фойда.

Тўртинчидан, ёстиқларга эътибор бериш керак. Агар ёстиқ қаттиқ бўлса, сизни кўп безовта қилади. Шунинг учун юмшоғини топиб олиш керак бўлади.

Бешинчидан, уйқусизликка дучор бўлган киши ҳар қандай уйқу дориларига ружу қўймаслиги керак. Акс ҳолда уларга бутунлай ўрганиб қолиши оқибатида саломатлигига путур етказиши мумкин. Бундай ҳолларда яхшиси бир стакан илитилган сутга бир ошқошиқ асал ёки 40 томчи валериан эритмасидан томизиб ичиш фойдалироқ.

Қулмоқ (ўсимлик) чой ҳам уйқу дориси ўрнини боса олади, бир ярим ош қошиқ қулмоқ талқонини бир пиёла қайноқ сувга солиб, беш минут дам бергач, сузиб оласиз-да, нимтатир — ширин қилиб ичасиз.

Ухлаш олдидан тоза ҳавода ярим соатча сайр қилиб келсангиз, бу ҳам яхши ухлаб дам олишингизга ёрдам беради.

Яна шуни унутмангки, уйқусизлик ёки ўз вақтида ухламаслик, қониқарли дам олмаслик оқибатида соч тўкилиши ҳоллари ҳам рўй беради. Бу кўпроқ олимларимизнинг тажрибаларида синалган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !*

**«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»**

*Сизларни биржа савдоларига таклиф этади*

**Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:**

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- «DAEWOO» авто-эҳтиет қисмлари;
- авто улов аксессуарлари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автошина ва ғилдираклар.

**Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм.**

***Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:**

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган **«Нур» мажмуаси**;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, “Промстройиндустрия” ОАЖнинг **қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси**;
Бошланғич нархи — 59 921 772 сўм;

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг **90 фоизлик давлат улуши;**
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;

“Руслан Шамшади” хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги **дастгоҳлар**:
— СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,
— Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

**ШУНИНГДЕК, САВДОЛАРДА «ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ ҲУДУДИДА ТУРҒУН САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ СОТИЛМОҚДА.**

***Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача “Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази”да бўлиб ўтади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz**

Спорт

## КУЦЕНКО ҒОЛИБЛАР САФИДА

***Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида теннис бўйича «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.***

Соврин жамғармаси 15 минг долларни ташкил этган мазкур мусобақаларда ҳамшаҳарларимиз Олег Огородов, Вадим Куценко ҳам ғалаба учун кураш олиб боришди.

Якка тартибдаги беллашувларда катта ракетка усталаримизга омад кулиб боқмади. Бунда финалга Игорь Куницин (Россия) ва Иван Церович (Хорватия)лар чиқишди.

Ушбу кескин ва муросасиз баҳсда россиялик теннисчининг қўли баланд келди ва бош мукофот ҳамда 18 рейтинг очкосига эга бўлди.

Жуфтликлар турнирида қозоғистонлик Александр Кедрюк билан бирга кортга тушган Вадим Куценко россиялик Евгений Смирнов ва Дмитрий Властовни енгган ҳолда ғолиблар сафини бошқарди.

## БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШДИ

***Андижондаги «Соғлом авлод» стадионида 1987 йилда туғилган ва ундан ёш енгил атлетикачилар ўртасида республика биринчилиги ўз ниҳоясига етди.***

Биринчиликда 240 дан ортиқ ўсмирлар ва қизлар иштирок этиб, ғалаба сари интилишди. Кутилганидек, мусобақада ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли қатнашишди. Хусусан, Л.Шахворостова 100 метрга 12.70 сония ва 200 метрга югуришда 25.69 сония натижа кўрсатиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ядро ирғитиш бўйича 16 метр 9 сантиметр натижа кўрсатган А.Шевченко ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди.

Шундай қилиб, биринчи гуруҳда 329 очко жамғарган Тошкент-1 командаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**(Ўз мухбиримиз)**

Беруний номидаги Тошкент Политехника институти томонидан Шохбозов Бахридин Мухитдинович номига берилган № НВ 906136 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 20-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Хегай Анжела Викторовна номига берилган Д-N 465751 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бокс

# МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ РИНГДАГИ РЕЖАЛАРИ

***Шу йилнинг 8 апрелида АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ҳамюртимиз олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал бокс бўйича қитъалараро чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун жанг ўтказганди. Мазкур учрашувда пуэрто-риколик Жесси Фелисианони мағлубиятга учратган спортчимиз олтин камарга сазовор бўлди.***

***Куни кеча пойтахт аэропортида олтин камар соҳиби Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳамда АҚШда рейтинг жангларини муваффақиятли ўтказаётган яна бир боксчимиз Қувончбек Тайғанбоевлар катта тантаналар билан кутиб олинди. Мухбиримиз ҳар иккала чарм қўлқоп усталари билан суҳбатда бўлди.***

**— Муҳаммадқодир, қитъалараро чемпионлик унвонини учун жанг ўтказиш ҳақида қачон хабар топдингиз?**

— Бу жанг ҳақида уч ой аввал хабар топгандим ва рақибимга қарши пухта ҳозирлик кўрдим. Учрашувдан аввал Жессини осонликча енгаман деб ўйлагандим. Бироқ, жанг чоғида унинг жиддий қаршилигига дуч келдим. Шунга қарамай мусобақанинг саккизинчи раундида соф ғалабага эришдим.

**— Эшитишимизча, сиз илгари Фелисиано билан машғулотлар вақтида жанг ўтказган экансиз?**

— Мен Лас-Вегасда уч йилдан буён профессионал бокс билан шуғулланиб келаяпман. Асли пуэрто-риколик бўлган Жесси ҳам шу ерда машғулот ўтказади. Бундан бир неча йил муқаддам у билан битта клубда тайёргарлик кўргандик. Лекин машғулот барибир машғулот, жанг албатта бошқа нарса. Фелисианога ҳам мутахассислар катта ишонч билдиришган. У менга қарши жанг ўтказгунига қадар 15 учрашувнинг ўн учтасини нокаут билан якунлаганди. Ҳалқимизнинг дуосини олганлигим туфайли Жесси Фелисианони енгишга муваффақ бўлдим.

**— Ҳозир қайси мураббий билан машғулотларни ўтказяпсиз?**

— Уч-тўрт ойлик танаффусдан сўнг яна америкалик Кенни Адамс билан машғулотлар ўтказаяпман. Ўтган йилги мағлубиятимдан кейин унинг хизматидан воз кечгандим. Бироқ, узоқ вақт Адамсдан сабоқ олганлигим туфайли янги мураббий услубига кўника олмадим. Натижада америкалик мутахассис кўрсатмаларига таянган ҳолда жаҳон чемпиони бўлишга аҳд қилдим. Бундан кейин Америка ва Германиядаги машғулотларни тўлиқ Кенни Адамс олиб борадиди.

**— Ўзбекистонда ҳали кўп вақт бўласизми?**

— Қувончбек иккаламиз ҳозир Лас-Вегасдан келаяпмиз. Ўн-ўн беш кун оилам даврасида бўлиб сўнгра Гамбургга жўнаб кетаман.

**— Навбатдаги жангни қачон ва ким билан ўтказасиз?**

— Германияга етиб боргач, бир неча кундан кейин машғулотларни давом эттириш учун Лас-Вегасга жўнайман. У ерда бир неча ой шуғулланиб, Гамбургга қайтаман ва июль ойида Германияда яна рингга чиқаман. Рақибим WBA йўналиши бўйича 63,5 килограмм вазн тоифасида дунёнинг энг кучли ўн боксчисидан бири бўлиши мумкин.

**Иқтидорли боксчимиз, олимпия, жаҳон ва Осиё чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни юртимизда ўзгача фахр-ифтихор ҳамда ардоқ билан қарши олишди. Шундай лаҳзада бироз эътибордан четда қолган WBA йўналиши бўйича муваффақиятли жанглар олиб бораётган яна бир боксчимиз Қувончбек Тайғанбоевга юзландик. Эсингизда бўлса, у март ойида ўтказилган охирги учрашувда очколар ҳисобида ютқазиб қўйган эди.**

**— Қувончбек, ўзбекистонлик мухлислар учун сўнгги жангингиз тафсилотлари қизиқарли. Шу ҳақда ўзингиз гапириб берсангиз.**

— Америкалик Кит Холмсга қарши ўтган учрашув ҳақида нима ҳам дердим. Рақиб анча тажрибали ва жаҳоннинг тўрт карра чемпиони эди. Очколар ҳисобида мен ғалаба қозондим. Фақат ҳакамлар адолатсизлик қилишди. Тақиқланган зарбалар учун якунда менинг ҳисобимдан икки очкони олиб ташлаб ютуқни унга бериб юборишди. Ваҳоланки, рақибим ҳам бир неча бор тақиқланган зарбаларни амалга оширган эди.

**— Кейинги режаларингиз қандай?**

— Бир неча ой она юртимда бўламан. Оила аъзоларимни, айниқса, қизчам Тамарани жуда соғиндим. Уларнинг дийдорига тўйиб сўнгра Лас-Вегасга қайтмоқчиман. Жангларимга келсак, дастлаб сентябрь, кейин ноябрь ойида рингга чиқаман. Ишонаманки, бу жангларни муваффақиятли якунлаб яна ўз обрўйимни тиклаб оламан.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**
**суҳбатлашди.**



**СУРАТДА: боксчиларимиз олтин камар билан.**

Шифокор огоҳлантиради

# БОТУЛИЗМ — ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

***Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касалликдир. У асосан марказий нерв тизимининг оғир шикастланиши билан кечади, нерв, мушаклар парези ва фалажига олиб келади, ҳатто ўлимни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Касалликнинг асосий манбалари ўтхўр ҳайвонлар, кемирувчилар, айрим қушлар ҳамда совуқ қонли ҳайвонлар — балиқ, қисқичбақасимонлар ва шиллиқ қуртлар ҳисобланади ҳамда консерва маҳсулотлари орқали келиб чиқади.***

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (қийма, колбаса, балиқ), полиз маҳсулотлари, мева консервалари ёки маринадлари ботулизмнинг одамларга юқишида катта роль ўйнайди. Мол сўйиш технологиясини бузиш натижасида мол ичагидаги ботулизм таёқчалари гўштга ўтиб кетади, худди шундай ҳолат балиқни тайёрлашда ҳам рўй бериши мумкин. Ботулизм споралари сабзавотларга (лавлаги, помидор, бодринг, патисон, картошка, сабзи, бақлажон ва ҳоказо) мевалар (олма, узум, нок кабиларга), қўзиқорин ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам мавжуд бўлади. Уларга ботулизм споралари тупроқдан юқади. Консерва тайёрлаш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига пухта риоя қилиш керак. Бу ўринда қўзиқоринлар ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Гап шундаки, қўзиқорин ғовак бўлгани учун танасида ботулизм микроби қолиб кетиши ва ундан консерва тайёрлаганда микроблар сақланиб қолиши мумкин. Консерва банкасидаги кислородсиз муҳит ботулизм микробининг ривожланиши, кўпайиши ҳамда кучли заҳар — ботулинотоксин ажралиб чиқишига шароит яратади. Одам организмига тушган токсин меъда ва ичакда тез сўрилиб, қонга ва бошқа органларга ўтади, тўқималарни, аввало нерв тизими фаолиятини бузади. Айниқса, у бош мия тўқимасининг кислород билан таъминланишини сусайтиради. Қуйида шундай ҳодисалардан мисоллар келтирамиз.

Ширкат хўжалигида яшовчи бир оила помидор ва бодрингни шиша банкаларга солиб, қишга асраб қўйган. Баҳорда банкани очиб, она уч фарзандлари билан помидор ейишган ва унинг сувини ичишган (она тузлама сувини эмизикли боласига ҳам ичирган). Орадан бир неча соат ўтгач бола безовталана бошлаган, у эмаётганда олдин энтикиб, сўнгра эма олмай қолган, чой ҳам ича олмай энтикиб, кўкариб кетган. Она касал болани эртасига эрталаб шифокорга олиб борган. Афсуски, шифохонага етиб улгурмасданоқ бола йўлда нобуд бўлган.

Шу куни 4 ёшли ўғли ҳам касалланиб, кўз олди хиралашиб дармони қуриган, юрганида ҳарсиллаб нафаси оғзига тиқилган. Кейинчалик овқат ютиши ҳам қийинлашган, сув ичганда қалқиб, у бурундан қайтиб тушган. Она кенжа фарзанд фожиаси билан овора бўлиб, бу ўғлига етарли эътибор бермаган. Боланинг аҳволи тобора оғирлашиб, нафас олиши қийинлаша бошлаган, гоҳ-гоҳида бўғилганга ўхшаб кўкариб кетган. Она ўғлини касалхонага олиб келганда унинг аҳволи жуда оғир эди. Болага зудлик билан тегишли ёрдам кўрсатилди, аммо фурсат бой берилган эди, бу иккинчи фарзанд ҳам бир неча соатдан сўнг оламдан кўз юмган. Бу мурғак болалар ботулизм қурбони бўлдилар. Шифокорлар ботулизм аломатларини онада ва қизида топиб, уларни касалхонага ётқиздилар. Уларга зудлик билан вақтида ёрдам бериб, ҳаётлари сақлаб қолинган. Нима сабабдан бундай даҳшатли фожиа юз берган? Чунки уйда помидорни яхшилаб тозаламасдан тузлама қилинган, шу сабабли тузламада ботулизм микроблари сақланиб, ўзидан заҳар тарқатган. Бошқа бир воқеада нотўғри тайёрланган консерва икки оила фожиасига сабаб бўлган. Тўйда дастурхонга уйда тайёрланган қўзиқорин маринади ҳам қўйилган. Қўзиқорин хушхўр таом сифатида энг азиз меҳмонлар дастурхонига тортилган. Тўй - томоша авжида, хурсандчилик, мусиқа чалиниб, меҳмонлар рақсга тушиб, янги келинкуёв номига яхши ниятлар айтишади. Тўй маросими тугамасданоқ 7-8 кишининг аҳволи ёмонлашади. Уларда ботулизмнинг оғир аломатлари намоён бўлади. Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмади, тўй азага айланади. Маълум бўлишича, қўзиқорин консервасини тайёрлашда технология жараёни қўпол равишда бузилган, улар яхши тозаланмаган ҳолда консерваланган. Натижада ботулизм микроблари ривожланиб, ўзидан кучли заҳар ажратган.

Ботулизмнинг олдини олиш мумкинми?

Бу хавфли касалликнинг олдини олиш ўзингизнинг қўлингизда. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини, хом ашёларни қайта ишлашда, ташишда, сақлашда ва улардан овқат тайёрлаш жараёнида озодалик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишни унутманг.

**Гулмира КАРИМОВА,**
**Шайхонтоҳур туман санитария назорати маркази овқатланиш гигиена бўлимининг санитария шифокори.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607.

1 2 3 4 5